

## ИЛМИЙ ОММАДА МАРГИНАЛЛАШУВ АТАМАСИГА ОИД ТУРЛИ ЁНДАШУВЛАР

Жураев Жамшед Рахматиллоевич,

Бухоро Давлат Университети Тарих ва Юридик факультети декани  
«Психология ва Социология» кафедраси доценти в.б., Социолог

jamshid-j-r@buxdu.uz

jurajamshid@gmail.com

**Аннотация.** Ушбу мақолада маргинал ва маргиналлашув атамаси тарихига оид илмий соҳа вакилларининг тадқиқотлари, фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган. Муаллиф Америка, Европа ва жаҳон ҳамжамияти олимларининг маргинал шахста бўлган тарифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** маргиналлик, оммавий онг, ижтимоий ички ва ташки низолар, феноменология, чегарадаги одам, адашган, бегона.

Замонавий социология маргинал шахс фаолиятини ижтимоий соҳадан ажralган ҳолда ўрганиш мураккаб эканлигини алоҳида эътироф этмоқда. «Маргиналлик» атамасининг келиб чиқиши ва қўлланиш тарихи уни тушуниш учун жуда мухимдир. XX-аср Америка социологиясида 100 йилдан ортиқ вақт давомида нафақат ушбу фанда ўз аҳамиятини сақлаб қолди, балки файласуфлар, маданиятшунослар, сиёsatшунослар, иқтисодчилар ва айниқса социологларнинг дикқат-эътиборига сазовор бўлди.

Сўнгти йигирма йилларда чет элда маргиналлик феноменига қизиқиши кўплаб тадқиқотларга кўра, у фақат ўсишда давом этмоқда. Хусусан, бугунги кунда маргиналлик нафақат оддий ҳодиса, балки оммавий онг омилига айланиб бормоқда. Буни сўнгти йилларда атама қўлланилишининг жадал суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам кўрсатади. 2001 йилда Google<sup>1</sup> қидирув тизимида маргинал тушунчасига рус тилидаги 1200 дан ортиқ ҳаволалар мавжуд эди. 2012 йил бошида бундай ҳаволалар сони 78 500 та бўлса, 2022 йилда 105 000 тадан ортиқ ҳисобланади.

Маргинал инсон тушунчасини социология фанига биринчи марта америкалик социолог, Чикаго социология мактабининг асосчиси Роберт Эзра Парк (1864-1944 йй.)<sup>2</sup> иммигрантлар ўртасидаги жараёнларни ўрганишга бағищланган «Инсон миграцияси ва маргинал одам» (1928) (*Human migration and the marginal man*)<sup>3</sup> эссесида ишлатган.

<sup>1</sup> <https://www.google.co.uz/webhp> - интернетдаги глобал қидирув тизими

<sup>2</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Парк,\\_Роберт\\_Эзра](https://ru.wikipedia.org/wiki/Парк,_Роберт_Эзра),

<sup>3</sup> Park R.E. Human migration and the marginal man // Amerikan Journal of Sociology. Chicago, 1928. Vol. 33. № 6. P. 881-893.

Кейинчалик, Р.Парк «Шахс ва маданий низо» (1931) асарида<sup>4</sup>, «Маданий тўқнашув ва маргинал шахс» (1937)<sup>5</sup> /Эверетт Вернер Стоунквист (1901-1979 йй.)<sup>6</sup> китобига сўзбоши сифатида маргинал тушунчасини тарифлаган/.

Шунингдек, маргинал шахс концепциянинг ривожланишидаги муҳим босқич сифатида Э.В.Стоунквистнинг «Маргинал одам: шахс ва маданий зиддиятга оид тадқиқотлар» (1937)<sup>7</sup> монографиясида маргиналлашув маммоларига оид илмий қарашларини изоҳлаган. Кейинги босқич Чарльз Эванс Хьюзнинг<sup>8</sup> асари «Ижтимоий ўзгаришлар ва мақомга қарши норозилик: маргинал инсон ҳадиқа очерк» (1949)<sup>9</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, XX-асрнинг бошларида маргинал шахс ва маргиналликка оид қарашлар американинг Чикаго мактаби вакиллари томонидан тадқиқотларда илгари сурилган бўлсада, улар билан бир қаторда европада ижтимоий ўзаро таъсир назарияси асосчиси файласуф, социолог Георг Зиммель (1858-1918 йй.)<sup>10</sup> томонидан ҳам тадқиқ этилган. Жумладан, унинг «Бегона билан ҳамроҳлик»<sup>11</sup> асарида миграция ва турли кўчишлар оқибатида жамоага келиб қўшилган инсоннинг адаптацияси, у билан кечётган ижтимоий ички ва ташқи низолар ва унинг оқибатлари тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган.

Шунингдек, асли европалик бўлган феноменологик социология асосчиси Альфред Шюц (1899-1959 йй.) ҳам ўзининг «Бегона» (1944)<sup>12</sup> асорида маргинал шахс назариясини илгари суриб, унда бегона ва нотаниш одам тушунчаларига ижтимоий феноменология нуқтаи назаридан қайта талқин қилган.

Маргинал инсонга оид назарияларнинг узлуксиз тарихий туркумини яратиш учун функционал жиҳатдан аҳамиятли бўлган классик манбаларнинг бундай танлови маргиналлик тушунчасини дастлаб тўлдирилган маънони сезиларли даражада чеклайди ва кўп жиҳатдан бузади ва эвристик потенциалдан узоқлаштиради. Маргиналлик ҳақида анча кенгроқ тушунчани қўйидаги фикрлар асосида шакллантириш мумкин.

Биринчидан, маргиналлик билан боғлиқ ҳодисалар доираси Р.Парк томонидан нафақат «маргинал шахс» атамаси бевосита қўлланиладиган асарларда, балки ушбу атама

<sup>4</sup> Парк Р.Э. Личность и культурный конфликт // Социальные и гуманитарные науки. Сер. 11. Социология. 1998. № 2. С. 175-192.

<sup>5</sup> Парк Р.Э. Культурный конфликт и маргинальный человек // Социальные и гуманитарные науки. Сер. 11. Социология. 1998. № 2. С. 172-175

<sup>6</sup> [https://wiki5.ru/wiki/Everett\\_Stonequist](https://wiki5.ru/wiki/Everett_Stonequist)

<sup>7</sup> Stonequist E.V. The Marginal Man: A Study in Personality and Culture Conflict. N.Y.: Charles Scribner's Sons, 1937. В 1961 г.

<sup>8</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Хьюз,\\_Чарльз\\_Эванс](https://ru.wikipedia.org/wiki/Хьюз,_Чарльз_Эванс)

<sup>9</sup> Hughes E.C. Social Change and Status Protest: An Essay on the Marginal Man // Hughes E.C. The Sociological Eye. Chicago, N.Y.: Aldine-Atherton, 1971. P. 220-228.

<sup>10</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Зиммель,\\_Георг](https://ru.wikipedia.org/wiki/Зиммель,_Георг)

<sup>11</sup> Зиммель Г. Экскурс о чужаке // Социологическая теория: история, современность, перспективы. Альманах журнала «Социологическое обозрение». СПб.: «Владимир Даль», 2008. С. 7-13.

<sup>12</sup> Шюц А. Чужак // Шюц А. Избранное: Мир, светящийся смыслом. М.: РОССПЭН, 2004. С. 533-549.

ишлилмайдиган ишларда, яъни киритилишидан олдин ёзилган асарларда ҳам муҳокама қилинганд. Ушбу ҳаракатлар ҳисобга олиниши керак<sup>13</sup>.

Иккинчидан, маргиналликни муҳокама қилувчи Чикаго мактаби социологик тадқиқотларининг ўзига хос ҳусусияти шундаки, Р.Парк тадқиқотлари асосида унинг бир қатор шогирдлари ҳам маргинал инсонга оид назарияларни ўрганишда янада муқаммалроқ ёндашди. Хусусан, улар маргинал шахс атамасини ўрнига янгича бўлган унга монан ёки деярли синоним бўлган атамаларни «маданий гибрид», «ирқий гибрид», «чегарадаги одам», «адашган», «бегона» илмий оммага қўллашди

Учинчидан, «Маргинал шахс» тушунчаси Р.Парк томонидан умумий муносабатлар тизимиға доирасида ишлаб чиқилган ва у ўзи яралган тизимдан бошқача ёндашувлар асосида талқин қилиши мақсадга мувофик эмас. «Маргинал шахс» тушунчасини бошқа соҳаларда қўлланилсада Р.Парк томонидан ишлаб чиқилган концепцияни тўлдириш учун хизмат қилиши керак.

Маргинал шахс тушунчаси доирасида Чикаго мактаби вакиллари социологик тадқиқотлар тарихида бир қатор янги илмий мулоҳазаларни илгари суринди. Жумладан, маргиналлик бирламчи кўринида адаптацияни ўтай олмаган инсон ёки бегона шахс сифатида қаралиши чегарасидан янги кенгроқ муносабатлар тизимиға қадам қўйди. Маргинал шахс ижтимоийлашуви, жамоа ўртасида ижтимоий низолар, бегонани тўдага қабул қилишнинг ижтимоий жиҳатлари, янги жамоага кўниши, бирикиш, турли норма ва меъёрларни қабул қилиш ёки инкор этиш жараёнидаги ижтимоий-психологик жиҳатлари тадқиқ этилди.

Р.Парк томонидан олиб борилган таҳлилларда жамият тирик организм ва «чукур биологик ҳодиса» сифатида намоён бўлади. Унинг назариясига социологиянинг предмети бу - эволюцияси жараёнида шаклланадиган жамоавий хулқ-автор намуналари ҳисобланади. Бу назарияга қўра, жамият ижтимоий (маданий) даражадан ташқари, барча ижтимоий тараққиёт негизида биотик омил<sup>14</sup> ётади деб ҳисоблайди. Р.Парк томонидан таклиф қилинган Маргинал шахс концепциясида биотик омил ва унга асосланган экологик тартиб муҳим назарий асосга эга. Унга қўра, инсон цивилизациясида экологик тартибнинг асосини жамоавий хатти-ҳаракатлар сифатида миграция ташкил этади.

Умуман олганда маргиналликнинг социолог олимларининг маргиналликка оид қарашларида ўхшашлик ва бир бирини тўлдирувчи ғояларни кузатиш мумкин. маданий муносабатлар тараққиёти ўзгариб, бойиб борувчи ҳодиса. Маълум даврга келганда, маргиналликнинг негатив ҳосиласини ўз даври учун муҳим социологик тадқиқот

<sup>13</sup> Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>

<sup>14</sup> Биотик омиллар - бу тур ичидаги ҳам, ҳар хил турлар орасида ҳам организмларнинг бир-бирига таъсир қилиш шакллари

объекти сифатида долзарб аҳамият касб этади. Ўтиш даврида маданий мероснинг хусусияти ўзгариши билан маргиналлар аста секин жамият саҳнасига кела бошлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Park R.E. Human migration and the marginal man // Amerikan Journal of Sociology. Chicago, 1928. Vol. 33. № 6. P. 881-893.
2. Парк Р.Э. Личность и культурный конфликт // Социальные и гуманитарные науки. Сер. 11. Социология. 1998. № 2. С. 175-192.
3. Парк Р.Э. Культурный конфликт и маргинальный человек // Социальные и гуманитарные науки. Сер. 11. Социология. 1998. № 2. С. 172-175.
4. Stonequist E.V. The Marginal Man: A Study in Personality and Culture Conflict. N.Y.: Charles Scribner's Sons, 1937. В 1961 г.
5. ЖУРАЕВ Ж.Р. Социологическая и философская интерпретация понятия «Информация». CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 3(5), 59-64. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/294>
6. Hughes E.C. Social Change and Status Protest: An Essay on the Marginal Man // Hughes E.C. The Sociological Eye. Chicago, N.Y.: Aldine–Atherton, 1971. P. 220-228.
7. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
8. Каримов Б., Бекмуродов М. Heavy skils - қаттиқ ва soft skills - юмшоқ қўникмаларнинг замонавий бошқарувдаги роли. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2021 йил. 2-3-қўшма сон, 3-14 бетлар.
9. Каримов Б.Ш., Бекмуродов М.Б. Мехр тушунчасининг ижтимоий муносабатларни консенсус даражасида юксалтиришдаги роли. Ижтимоий тадқиқотлар журнали. Электрон журнал, 1-максус сон. Тошкент 2021. Б.5-15.
10. Каримов Б.Ш. Мехр маданияти: генезис, назария ва амалиёт. Монография. Бухоро нашриёти. 2021 й. 15,7 б.т.
11. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
12. Каримов Б.Ш. Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик асессментлаш орқали оптималлаштириш. Монография. Тошкент.: «Yangi kitob», 2020 йил 12,6 б. т.

13. Зиммель Г. Экскурс о чужаке // Социологическая теория: история, современность, перспективы. Альманах журнала «Социологическое обозрение». СПб.: «Владимир Даль», 2008. С. 7-13.
14. Шюц А. Чужак // Шюц А. Избранное: Мир, светящийся смыслом. М.: РОССПЭН, 2004. С. 533-549.
15. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
16. <https://www.google.co.uz/webhp> - интернетдаги глобал қидируг тизими